

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**532** Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида-  
ги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1882-2*

*(2011 йил 24 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 октябрдаги 283-сон «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рухсат бериш тартиботларини амалга оширишда давлат бошқарув функцияларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 454-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1882, 2008 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 529-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 14 ноябрь,  
69-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2011 йил 14 ноябрдаги  
69-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банднинг биринчи хатбошидан «Давсуғуртаназорат билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 26-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ОЧЗни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби суғурталовчи томонидан тасдиқланадиган огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси тўғрисидаги низома белгиланади.

Бунда суғурталовчи ОЧЗдан молиялаштириладиган огоҳлантириш чора-тадбирларининг аниқ рўйхатини белгилаши ва уни Давсуғуртаназоратга келишиш учун тақдим этиши лозим».

3. 28-банднинг иккинчи хатбошидаги «суғурталовчи томонидан белгиланади ва Давсуғуртаназорат билан келишилади» деган сўзлар «суғурталовчи томонидан тасдиқланадиган фалокатлар захираси тўғрисидаги низома белгиланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 29-банднинг учинчи хатбошидаги «суғурталовчи томонидан белгиланади ва Давсуғуртаназорат билан келишилади» деган сўзлар «суғурталовчи томонидан тасдиқланадиган зарарлиликнинг тебраниши захираси тўғрисидаги низома белгиланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 30-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«АНЗни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шартлари суғурталовчи томонидан тасдиқланадиган активларнинг номувофиқлиги захираси тўғрисидаги низома белгиланади».

6. 31-банддаги «бундай захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шартларини Давсуғуртаназорат билан келишилгандан» деган сўзлар «бундай захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шартларини назарда тутувчи тегишли захира тўғрисидаги низома суғурталовчи томонидан тасдиқланганидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.